## ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ №1

«27» январ 2022 йил

**Самарканд ш**

**"Наргиза ишлаб чикариш" МЧЖ** кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи рахбар **Н.М.Османова** номидан, бир томондан ва Самарканд вилоят болалар ва ўсмирлар футбол академияси, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи рахбар **Ф.Умуров** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш. Буюртмачи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (махсулотлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1-навли колипли нон, 500гр | дона | 2 000 | 1 490 | 2 980 000 |
| | Жами (ҚҚС сиз) | | | | 2 980 000 |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **2 980 000 (Икки миллион тўккиз юз саксон минг)** сўмни ташкил килади. транспорт харажатлари етказиб бериш билан.

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани Ғазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик. шартнома умумий суммасидан 30% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли хисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 5 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка холлар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни етказиб бериш, ташиш, юклаш ва тушириш икки томонлама келишилган холда амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан етказиб берилган товарларнинг микдори ва сифати бўйича кабул килиб олади.

2.8. "Етказиб берувчи" мазкур шартномада кўрсатилган махсулотларни нархини ўзгартириш хукукига эга. хар бир ўзгартирилган махсулот нархи кушимча икки томонлама келишув асосида амалга оширилади. агарда ишлаб чикариш харажатлари ва бозор коньюктурасидан келиб чиккан нархи ошса.

2.9. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик товарларни 1-иловада курсатилган "етказиб бериш жадвали"га асосан микдорида ва муддатида етказиб бериш амалга оширилади. Товарларни микдори ва муддати "Буюртмачи" томонидан талабнома асосида ўзгариши мумкин.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда. Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб килиш. агар мазкур шартноманинг шартларида бошка холлар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофик. тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб килиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларини бегараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришини талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофик етказиб берилган товарларни кабул килиш;
- товарларнинг киймати мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш.
- Буюртмачидан шартномага мувофик. етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб килиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда. микдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йўл кўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича 10- кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларининг ижросини таъминлаган такдирда шартнома бажарилган хисобланади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида. тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарл мавжудлигининг кафолатларини таклим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини тал килишга хаклидир

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бош шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини таклим этмаганлик, чек бермаганли аккредитивни таклим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди. Етказиб берилган товарлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчи ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 5 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиклиги;

- шартнома шартларининг бошка бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи товарларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражал бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган сумман белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчиг (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунд пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Товарлар кабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган холларда сотиб

олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришини талаб килишга хаклидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат килишга хаклидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат килган такдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чикилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги холатлари келиб чикса ва бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) холатларининг мавжудлигини тасдиклаш механизмини киритиш тўгрисида"ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома Газначиликда мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йилни "31" декабр**гача амал килади.

8.2. Шартноманинг амал килиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошка томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда шартнома бажарилган хисобланади.

8.3. Шартноманинг амал килиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**Етказиб берувчи**

**Ташкилот номи** **"Наргиза ишлаб чикариш" МЧЖ**
**Манзил:** Самарканд ш. Рудакий куча 100 уй
**Телефон:** +998-97 917-24-74 **СТИР коди:** 302 591 181
**ОКОНХ:** 18113
**Х/Р :** 20208000900214855001

**Банк номи:** Миллий банк Самарканд ш. АТИФ
**МФО:** 00278
**Рахбар** (директор): ____ **Н.М. Османова**
М.Ў. (имзо)

**Хукукий маслахатчи**
**Лицензия (диплом) №**
**берилган санаси: «___» ________ 20__ й.**

**Буюртмачи**

**Ташкилот номи :** Самарканд вилоят болалар ва ўсмирлар футбол академияси
**Манзил:** Самарканд ш Богдод кучаси 39 уй
**Телефон:** **2291600 Факс:** 998662291600
**СТИР коди:** 305710845
**ОКОНХ:** 85590
**Х/Р :** 100021860184017083620227001
**Банк номи:** Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси ХКММ
**МФО:** 00014
**Рахбар** (директор): ____ **Ф.Умуров**
М.Ў. (имзо)

**Хукукий маслахатчи**
**Лицензия (диплом) №**
**берилган санаси: «___» ________ 20__ й.**

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Самарқанд вилояти болалар ва усмирлар футбол академияси (махорат мактаби) директори в.в.б**
**__________ Ф.Умуров**
**__________ 2022 й.**
**М. У**

*Самарқанд вилояти болалар ва усмирлар футбол академияси (махорат мактаби) учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши*

**Б А Ё Н И №2**

**«26» январ 2022 й.**

**Самарқанд ш.**

**Комиссия раиси:**
А.Маматов - Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари

**Комиссия аъзолари:**
Г.Хусаинова - Бош оиназ
М.А.Қосимов - Бош бухгалтер
Ф.Усмонов - Омбор мудири
Э.И.Каршиев - Шифокор

**К У Н  Т А Р Т И Б И :**

Академия учун озиқ-овқат махсулотлари харид қилиш бўйича **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ**, **"Самарқанд ширин нони" МЧЖ ва "Османова Наргиза Мустафа қизи" ХТ** томонидан танлов (тендер) Комиссияга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини аниқлаш.

**Сўзга чиқганлар:** А. Маматов ва Ф.Усмонов.

Йиғилишда қайд этилдики, 2022 йил январ ойининг эълони бўйича қуйидаги нарх, миқдор, бошлангич бахоси белгиланган

| т/р | Эълон берилган товар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат) нархи | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қолипли нон 1-навли 500гр | дона | 2 000 | 1 490 | 1 490 |

Академиянинг хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи Комиссиясининг маъсул ходимлари томонидан озиқ-овқат махсулотлари харид қилиш бўйича бир қатор корхоналардан тижорат таклифлари олинган.

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофиқ Нон махсулоти харид қилиш бўйича танловда иштирок этиш учун қуйидаги тур, ўлчам ва нархлар таклиф этилган.

Самарқанд шаҳрида жойлашган ва нон махсулоти билан таъминлаб бериш имконияти бор қуйидаги ташкилотлар:

- **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ**, томонидан 2022 йил 25 январдаги №17- сонли хат билан;
- **"Самарқанд ширин нони" МЧЖ** томонидан 2022 йил 25 январдаги №19-сонли хат билан;
- **"Османова Наргиза Мустафа қизи" ХТ** томонидан 2022 йил 25 январдаги №15- сонли хат билан; танловда иштирок этиш учун алохида харид таклифлари тақдим этилган.

"Корхоналар томонидан махсулотни сифатли ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (хар бир туман бўлинмасида) уларни жойлаштириб бериш (териш) ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилган".

| № т/р | Эълон берилган товар номи | Ўл. бир. | Миқдори | Эълон бўйича берилган нархи 1 кт. учун | ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | "Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ | "Самарқанд ширин нони" МЧЖ | "Османова Наргиза Мустафа қизи" ХТ |
| | | | | | Нархи | Нархи | нархи |
| 1 | Қолипли нон 1-навли 500гр | дона | 2 000 | 1 490 | 1 490 | 1 495 | 1 500 |

Комиссия аъзолари томонидан йўл-транспорт харажатларини максимал иқтисод қилиш, барча туман ва шахарларга яқинлиги, ўз транспортида етказиб бериш имконияти борлиги хамда сақлаш шароитлари бўйича ўтказилган тахлиллар натижасида **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ** имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ** дан олинганлигини эътиборга олиш лозимлигини айтиб ўтилди. Шунингдек **"Самарқанд ширин нони" МЧЖ "Османова Наргиза Мустафа қизи" ХТ** ташкилотларининг харид таклифларида кайд этилган нархлар қимматлиги, марказга яқин эмаслиги, бу эса товар ва маҳсулотларни етказишда қўшимча харажатларга талабни келтириб чиқариш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (ҳар бир туман бўлинмасида) уларни жойлаштириш (териш) ва уларни олингунга қа омборларда тўлиқ сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узоқлиги, транспорт харажатларни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиб. Комисс

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И :**

1. Академияга" Нон" махсулотини:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги:

-сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (ҳар бир туман бўлинмасида) уларни жойлаштириш (териш маҳсулотларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилганлиги:

- корхонани Самарқанд шаҳри марказида жойлашганлиги, бу эса жиҳозларни олиб кетиш учун қулай эканлиги ҳамда транс харажатларини иқтисод қилиш имконияти мавжудлиги туфайли **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ** дан харид қилинсин.

2. **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ** дан маҳсулотини харид қилиш бўйича Академия ўртасида хўжалик шартнома лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий ба тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ** дан маҳсулотни харид қилиш бўйича Академия ўртасида тузиладиган хўжа шартномалари лойиҳалари икки томонлама жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказиш белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида Қонунига мувофиқ икки томонлама хўжалик шартномасига жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар ҳамда бюджет ташкилоти юри томонидан имзолари билан тасдиқлансин.

4. **"Наргиза ишлаб чиқариш" МЧЖ** дан маҳсулотни харид қилиш бўйича академия ўртасида икки томонлама тасдиқлан ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, т томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси Самарқанд вилоят (шаҳар, туман) Ғазначилик бошқарм (бўлинмаси) юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.

***Самарқанд вилоят (шаҳар, туман) Ғазначилик бошқармаси (бўлинмаси)га хўжалик шартномалари билан биргали қўйидагилар тақдим этилсин:***

*- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов жадвали;*

*- мазкур комиссия йиғилишининг баённома асли (қайтарилади) ва нусхаси;*

*- икки томонлама жалб этиладиган ва бюджет ташкилоти томонидан жалб этилган адвокатлар ёки юристлар алоҳида юрист хулосалари;*

*- танлов ёки тендер ғолибининг товар (иш, хизмат) етказиб бериш (бажариш) фаолияти билан шуғулланишга тегі органлар томонидан берилган лицензия;*

*- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан олинган сифатлик ва яроқлилик (соответствие) сертификати;*

*- товарлар миқдори, ҳажми, тури, нархи ва суммаси қайд этилган товарлар рўйхати;*

*- танлов ёки тендерда иштирок этган хўжалик юритувчи субъектларнинг тақдим этган харид таклифлари*

*-Низомномаларда белгиланган бошқа тегишли хужжатларни тақдим қилинсин.*

***Танлов савдолари ўтказиш***
***комиссияси раиси:***

А.Маматов — **- Хўжалик ишлари бўйича диркектор ўринбосари**

***Комиссия аъзолари:***

Г.Хусаинова — **-Бош ошпаз**

М.А.Косимов — **- Бош бухгалтер**

Ф.Усмонов — **- Омбор мудири**

Э.Н.Каршиев — **- Шифокор**